



BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI
1930

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети



Ижтимоий фанлар
факультети
“Фалсафа ва мантиқ”
кафедраси
ташаббуси билан ташкил
этилган

“ЎЗБЕКИСТОНДА ФАЛСАФА ТАРИХИ МАКТАБИ
ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент - 2022

Birinchi hadis. “Yaxyo ibn Said rivoyat qiladilar: “Umar ibn al-Xattob minbarda turganlarida: ”Rasulullohu(sav)ning bunday deganlarini eshitganman”- dedilar: “Darhaqiqat barcha amallar niyatga qarab bo’lur. Har kimning niyati bor. Kimning niyati hijratdan dunyo topish bo’lsa, dunyoga erishar, kimning niyati xotin olish bo’lsa, unga nikohlanadi. Demak, ne niyatda hijrat qilgan bo’lsa, o’sha e’tiborga olinadi.” [5.7]

Asarning nomidan ko’rinadiki, muallifning asosiy maqsadi o’z asariga faqat sahih hadislarni to’plash bo’lgan. “Al-Jome” ko’p narsani o’z ichiga olgan, to’plam deyilishidan maqsad bunda bir mavzudagi hadislarga qisqartirilmasdan, balki ilmning ko’p qirralarini qamrab olganligidadir.

Umuman olganda, Imom al-Buxoriyning bu shoh asarini o’qigan kitobxon uning qanchalik ustivorligini ko’rishi tabiiy. Chunki, “al-Jomi’ as-Sahih” asardagi uslubning o’ziga xos jihatlari, uning naqadar qimmatli ahamiyatga egaligi va Qur’oni Karimdan keyingi ikkinchi o’rinda turishini hozirgi kungacha va bundan keyin ham yuksak sazovorga ega. Alloma ilm yo’lida har qanday qiyinchiliklarni yengib, kelajak avlod uchun qimmatli manbalar qoldirishga muvaffaq bo’lgan.

Foydalanilgan adabiyotlar royxati:

1. Mirziyoyev Sh. Milliy taraqqiyot yolimizni qatiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga kotaramiz – Toshkenz: Ozbekiston, 2017 yil, I tom. // O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 19 sentyabr kuni AQShda bo‘lib o’tgan Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72 sessiyasida so‘zlagan nutqidan
2. O’zbekiston buyuk allomalar yurti. Birinchi kitob. – Toshkent, Ma’naviyat, 2010
3. Imom Buxoriy ta’rifi./ G’oya muallifi: Sh.Umarov –Samarqand:Imom Buxoriy xalqaro markazi nashriyoti, 2018.
4. Shayx Abdusallom al-Muborakfuruy Hazrat imom al-Buxoriy (Imom al-Buxoriyning hayoti va ilmiy merosi)// Arab tilidan U.Uvaytov tarjimasi – Toshkent, “Toshkent Islom universiteti” nashriyot – matbaa birlashmasi, Toshkent, 2015
5. Sahihi Buxoriy. Al-jomi’ as-sahih (Ishonarli to’plam). 1-kitob. – Toshkent, O’zbekiston milliy entsiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2008.

НАҚШБАНДИЯШУНОС ОЛИМА

*Шарипова О.Т.
БухДУ Ислом тарихи ва манбаишунослиги,
фалсафа кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди*

Наврӯзова Гулчехра Неъматовна – фалсафа фанлари доктори, профессор, “Меҳнат фахрийси” I даражали кўкрак нишони соҳиби, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.А.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти

хузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар химояси бўйича ихтисослашган кенгаши, Тошкент Ислом академияси ва Самарқанд Давлат Университети фалсафа йўналиши бўйича докторлик химояси ихтисослашган Илмий Кенгашлари аъзоси, Бухоро Давлат Университети ихтисослашган Илмий Кенгashi раиси сифатида фаолият олиб бормоқдалар.

Гулчехра Невматовнадаги иқтидор ёшлик йилларидаёқ билинган. У киши Бухоро шаҳар 10-сонли ўрта умумтаълим мактабини олтин медаль билан битирган (1969) дан кейин, Бухоро Давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро Давлат университети)нинг тарих-география факультетини имтиёзли диплом билан тугатган (1974).

Гулчехра Невматовна меҳнат фаолиятини Бухоро шаҳар 14-сон ўртаумумтаълим мактабида тарих ва география ўқитувчиси сифатида бошлаганлар. (1974-1981).

Гулчехра Невматовна Наврӯзова билан биринчи марта кўришганим 1981 йилда бўлган. Ўшанда мен Бухоро Давлат педагогика институти Ўзбек филологияси факультети, тарих-педагогика бўлнимининг 5 курсида таҳсил олардим. Биз Бухоро шаҳридаги Ибн Сино номли ўрта умумтаълим мактабига педагогик амалиётга чиққанимизда Гулчехра Невматовна шу мактабда ўқув ишлари бўйича директор муовини вазифасида ишлар эканлар. Биз талабалар билан бўлган биринчи учрашувимиздаёқ устоз менда жуда катта таасурот қолдирганлар. Ҳали-ҳали кўз ўнгимда. Босиқлик билан, фикрларини дона-дона қилиб тушунириб, самимий, ўткир нигоҳ билан гапирган эдилар. Шундай эътибор берсан мактаб педагогик жамоаси устозни жуда қаттиқ ҳурмат қиларди ва хафа қилиб қўйишдан қўрқарди. Бунинг сири нимада деб ўйлардим. Амалиёт охиригача шу нарсага амин бўлдимки, Гулчехра опамдаги бўлган билимдонлик, зукколик, талабчанлик, энг асосийси самимийлик, камтаринлик ва олийжаноблик каби хислатлар экан. Устозимиз Фарҳод Ҳабибович Қосимов дарс таҳлилига келаман деганларида менга сиз дарс ўтасиз дедилар ва мен бу дарсни шунаقا ҳаяжонланиб, диққат билан, мавзудаги битта ҳам гапни қолдирмасдан ўттдимки, 45 дақиқа бир нафасда ўтгандек бўлди. Шунда Гулчехра Невматовна менга:”Сиз ҳозир бир челяк сутни ҳаммасини болаларга етказдингиз, шундан бир коса қаймоғини олиб етказишни ўрганинг” дегандилар Мен у кишидан ҳаётда жуда кўп нарсани ўргандим. Яшашда ҳаётга фалсафий нуқтаи назарда боқиши, қийинчиликлар олдида довдирмасликни, доимий шукроналикни ва ҳоказо , санайверсам охири йўқ.

Кейинчалик ўз фаолиятларинини Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида давом эттирганлар. Мазкур институтда “Фалсафа” кафедраси асистенти (1981-1984),“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси (1984-1991), “Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти (1991-1994), институт катта илмий ходими (1994-1996), институт тарбиявий ишлар бўйича проректори (1996-1997), институт маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-

проректор (1997-2002), “Фалсафа” кафедраси мудири (2001-2005), “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири (2005-2011) лавозимларида меҳнат қилганлар.

Гулчехра Наврӯзова 1990 йил номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгандан кейин, фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини, 1997 йилда доцентлик илмий унвонини, 2003 йилда “Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган ва фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлганлар.

Тақдир тақозоси билан 12 йилдан сўнг 1993 йидан Бухоро Давлат университетига ишга келганимда устозим Муҳаммад Назарович ҳузурларида Гулчехра опам билан иккинчи маротаба учрашдик. Ўшанда илмий тадқиқот мавзусини танлашда иккilonаяпман деб маслаҳат сўраганимда Хожай Жаҳон таълимотларини тадқиқ этишни маслаҳат берганлар. Шу-шу устозим билан биз ҳамнафас, ҳаммаслакмиз.

Профессор Гулчехра Невъматовна нақшбандияшунос олима сифатида жуда кўп изланишлар олиб борадилар. Хожагон – нашбандия тариқати тадқиқоти устида олиб борилган бир неча йиллик изланишлар давомида кўплаб монография, қўлланмалар, ўқув – усулий қўлланмалар чиқарганлар.

Илмий изланишлари давомида Нақшбандия тариқати асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” номли асари борлиги ҳақидаги маълумотни аниқлаб, унинг қўлёзма нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиб таржима қилганлар ҳамда шарҳлаб 2000 йилда чоп эттирганлар.

2005 йилда “Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси”, 2007 йилда “Нақшбандия – камолот йўли” ҳамда 2021 йилда “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд хаёти ва маънавий мероси” монографиялари Ўзбекистон фанлар академияси ҳузуридаги “Фан” нашриётида чоп этилган. 2009 йилда “Баҳоуддин Нақшбанд” монографияси “Фалсафа ва хуқуқ” нашриётида, 2020 йилда “Абдулхолик Фиждувоний” монографияси “Ином Бухорий халқаро маркази” нашриётида чоп этилган. Шунингдек 2006 йилда Э.Зоиров, Г.Юнусова ҳаммуаллифлигига “Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи” ҳамда 2010 йил X.Рахматова ҳаммуаллифлигига “Нақшбандия тушунчалари генезиси” монографиялари нашр этилган.

Зукко олима, ҳақиқий меҳрибон устоздирлар. Буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий асарларида, ёки бошқа буюк донишмандлар тавсифидаги олим унвони билан юритиладиган илмни қисмат билиб, машаққат, фидоийлик билан яшайдиган инсондирлар.

Гулчехра Невъматовна Бухорода Фалсафа тарихи йўналишида катта бир тасаввуфшунослик мактабини яратганлар. Устознинг бевосита раҳбарликларида 2007 йилда Г.С.Юнусова “Қодирия таълимоти ва унинг ижтимоий - ахлоқий моҳияти” мавзуида, 2010 йилда X.X.Рахматова “Хожа Аҳрор”, 2019 йилда Ф.Д.Музаффаров ”Ғаззолийнинг инсон ҳақидаги таълимотининг илмий-фалсафий асослари” мавзуида, 2020 йилда З.И.Нарзиев “Хужвирий таълимотининг антропологик ва гносеологик асослари” мавзуида, 2021 йилда Д.А.Исаева “Джон Голсуорси адабий меросининг фалсафий

таҳлили” мавзуида, 2021 йилда С.Муродов “Фаридуддин Атторнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари” мавзуида, 2021 йилда М.Ф.Норова “Сайфиддин Бохарзийнинг тасаввуф тарихидаги ўрни” мавзуидаги номзодлик диссертацияларини, 2021 йилда Б.Б.Намозов “Муҳаммад Порсо тасаввуфий таълимотининг фалсафий асослари” мавзуида докторлик диссертацияси ((DSc)ни, шунигдек, 2021 йилда Р.С.Раупова “Хожа Ислам Бухорийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”, 2021 йилади Д.О.Фафуров “Маҳдуми Аъзам маънавий меросида оила фаровонлиги ва фарзанд тарбияси” мавзуидаги номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар.

У кишининг шогирдлари инсоншунослик таълимоти ҳисобланган тасаввуф илми тарғиб қиласидаги ҳалоллик, поклик, бағрикенглик ва бошқа фазилатлар билан биргаликда устоздан жуда кўп ажойиб хислатларни ўргангандар. Шогирдларига ҳар бир мутасаввиф тарғиб қиласидаги ғояннинг моҳиятини ҳам диний, ҳам дунёвий нуқтаи назардан тушунтириб берадилар.

Халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда фалсафанинг долзарб масалаларига бағишиланган, ёки тасаввуф тариқатларига оид, айниқса хожагон-нақшбандия тариқатига оид илмий мақола ва тезисларни доимо янги манбалар, қадими қўллэзмалар асосида баён этадилар.

Професор Гулчехра Наврӯзова 100 дан ортиқ илмий мақола ва халқаро журнал ҳамда республика анжумани материаллари муаллифи. Устоз 2004 йил 28 январдан бўён Халқаро Антик Дунё (Antique World) илмий академиясининг академиги ҳисобланадилар. Ҳозирда Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори сифатида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Куни-кеча Гулчехра опамнинг “Баҳоуддин Нақшбанд (манбалар таҳлили)”, “Баҳоуддин Нақшбанд Аврод” асарлари ва “Бухорои шарифнинг етти пири”, “Ориф Ревгари”, “Маҳмуд Анжир Фағнавий” номли илмий рисолалари нашрдан чиқди..

Ҳозирги кунда илмий тадқиқотчилар учун бу нашрлар дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Булар сирасига Абдухолик Ғиждувоний, Абдуқодир Гилоний, Ҳужвирий, Маҳдуми Аъзам, Фариддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Хожа Ислам Бухорий, Сайфиддин Бохарзий, ва бошқа бир қанча улуғ мутафаккирлар устида олиб борилган изланишларни кўрсатишими мумкин. Педагогик фаолиятлари билан биргаликда катта бир даргоҳнинг илмий ишлар бўйича проректор каби масъулиятли вазифани шараф билан бажарганлар. Бир неча йиллар давомида нақшбандийшунос олима сифатида “Бағрикенглик” мавзусига бағишилаб анъанавий илмий анжуманлар муаллифидирлар.

Шогирдларига берилган ҳар бир илмий тадқиқот мавзусини аввал ўзлари обдон ўрганб, моҳитини тадқиқотчига етказиб, унниг илмий ишини самарали бўлишини таъминлаб келмоқдалар.

Ҳар бир шогирдларининг илмий фаолияти билан биргаликда шахсий ҳаётига нисбатан ҳам бефарқ эмаслар. Униг оиласи, фарзандларига ўзларининг beminnat яхши тилаклари, бир сўз билан айтганда эзгу қувватлари, билан

химоя бўлиб турадилар. Кўллари доимо дуодадир. Биз устозимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Муҳаммад Назарович Болтаевнинг мактабларидан сабоқ олганмиз. Гулчехра опам доимо шу устозимизга муносиб бўлишимиз керак дейдилар.

Гулчехра Неъматовнанинг Фалсафа тарихи борасидаги илмий мактаблари, нашрлари бугунги қунда нафақат республика миқёсида балки, халқаро миқёсда ҳам ўз мавқеига эга.

Шахсан менниг ўзим Гулчехра Неъматовнанинг илмий маслаҳатларидан, фалсафий мушоҳадаларидан, инсонийлик фазилатларидан доимо сабоқ олиб яшайман. Нурли чехраларидан, яхши тилакларидан қувватланиб яшайман. Биз шогирдлар доимо Наврӯзованнинг шогирдларимиз деб фахрланиб юрамиз.

Устоз яқинда муборак 70 ёшни қаршиладилар. Бизлар ҳам, ўzlари ҳам бу санани тан олмаймиз, ҳали мен бу ёшлар ҳақида ўйламайман, вақтим ҳам йўқ, қиласиган ишларим жуда кўп дейдилар. Биз шогирдлар ҳам худди шундай фикрдамиз. Устозимиз билан қиласиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Режалар бисёр. Бухоро тасаввуф мактабини такомиллаштириш борасида қанчадан-қанча шогирдлар у киши раҳбарликларида илмий тадқиқот ишларини олиб бормрҳоқдалар. Бугунги шукронга кунларида устозимизга мустаҳкам соғлик, биз шогирдлар баҳтига доимо омон бўлиб юришликини Яратганинг ўзидан сўраб қоламиз.

ТАСАВВУФ ВА ШАЖАРАЛАР

Исмоилов С. Т.
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Гулистон давлат университети

Аннотация: ушбу мақолада шажара ва шажарашунослик илми ҳамда унинг асосий ибтидоси тасаввуф илмидан бошланганлиги, шажараларни турлари ва унда тасаввуф алломаларининг шажараси яъни тариқат шажараси алоҳида аҳамиятга моликлиги, шажаралар халқимиз дунёқарашини ажralmas таркибий бир қисми эканлиги мушоҳада қилинган.

Калит сўзлар: шажара, силсила, сулола, шажарашунослик, шажара турлари, пайгамбарлар, тариқат, азиз-авлиёлар, сулолалар, фан, ота шажараси.

Шажара тушунчаси арабча сўз бўлиб “дараҳт” деган маънони билдиради. Тасаввуфда айнан “силсила” сўзи ўрнида ишлатилади. Фақат биргина фарқ қиласиган жойи шундаки “шажара” кўпроқ насабномани ифодаловчи тушунча сифатида, “силсила” эса кўпроқ пиру-устозлар тизимини акс эттирувчи сўз сифатида ишлатилади.

Силсила тушунчаси ҳам арабча тушунча бўлиб, “халқа”, “занжир”, “кишан” демакдир. Силсила деб тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишларига айтилади:

35.	Шодиев Р.Т.	Фалсафа илмидаги дўстлик анъаналари: Иброҳим Мўминов ва Алоуддин Баҳоуддинов тимсолида	177
36.	Файзиходжаева Д.	Академик И.Мўминов ижодий мероси ва унинг замонавий аҳамияти	183
37.	Хандамова М. А.	Академик Иброҳим Мўминов берунийшунос олим	186
38.	Саитмуродов Ж.Б.	Иброҳим Мўминовнинг Гегель фалсафасига оид тадқиқотлари	192
III. ШЎЙБА АКАДЕМИК М.М.ХАЙРУЛЛАЕВ МАКТАБИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ .			
39.	Расулов Д.	Самимий инсон сиймоси	197
40.	Сафарбоев М.	Хайруллаев дейдикни...	199
IV. ШЎЙБА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ФАЛСАФАСИ ЗАМОНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ, МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (О.ФАЙЗУЛЛАЕВ МАКТАБИ: М.АБДУЛЛАЕВА, Б.ТЎРАЕВ, Б.КАРИМОВ ВА БОШҚАЛАР)...			
41.	Азизқулов А.	Шарқ ренессансининг моҳияти Омонулла Файзуллаев тадқиқотларида	205
42.	Намазова Ю.М.	Марказий Осиёда диний ва дунёвий илмларнинг аксиологик моҳияти	208
43.	Каримов Р.Р.	Компаративистика, аксиология, культура	212
44.	Djurayev A.A.	Religious factor in social and family education.	217
45.	Тоғаев Н.Э.	Ёшлар онгида маънавиятни шакллантиришда миллий ва умумисоний қадриятларнинг ўрни “Таълим-тарбия инфратузилма”си - ёшлар онгида миллий ва умумисоний қадриятларни шакллантиришда замонавий инновацион ёндашув	220
46.	Юнусов К.А.	Миллий ва умумисоний қадриятларнинг ўйгунилиги ва унинг ёшлар дунёкарашидаги роли	225
47.	Қўнғиров И.	Алишер Навоий ва Нажмиддин Кубро муносабатлари	227
48.	Сафарбоев М.	Садриддин Айний – Бедил ижоди тадқиқотчиси	233
49.	Темиров Ф.У.	Перспективы торжества знания В Ренессансах В Авесте	240
50.	Абдукамилов Р. Т.	Национальное и общечеловеческое в системе ценностей межкультурной философии	242
51.	Бекбаев Р.Р.	Maktabdagi tarbiyaviy ishlar: tajribasi va muammolari Rossiya misolida	251
52.	Xolmo'minov G'.B.	Этьен Кондильякнинг оңг концепциясига сенсуалистик ёндашуви	257
53.	Бойдадаев А. Т	Али Сафийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳақида	261
54.	Мавлянов У.	Алишер Навоий бадиий-фалсафий асарларининг маънавий-ахлоқий мазмун-моҳияти	265
55.	Хўжаев Д.Н.	Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ижодида комил инсон концепцияси парадигмаси	270
56.	Нишонов С.Ж.	Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ижодида комил инсон концепцияси парадигмаси	279
IV. ШЎЙБА ЎЗМУ ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ МАКТАБИ ВАКИЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ			
57.	Юлдашева Л.С.	Катта қалб эгаси Саъдулла Юлдашев:олим, устоз ва ота.	284
58.	Рузматова Г. М.	Фалсафа тарихида тафаккур ва эҳтирос муносабатлари масаласи	289
59.	Toshov X.I.	Uyg`onish davrida germetizim ta`limotining tadqiqi	295
60.	Mardonov B. M.	Yoshlarni ijtimoiy va axloqiy qadriyatlar ruhidha tarbiyalashda falsafiy ta`limning ahamiyati	299
61.	Мусаев У. С.	Ёшларда креатив тафқаккур ва фикрлашни шакллантириш	302
62.	Тўхтаев Х.П.	Замонавий аксиологияда - қадрлаш ва қадрсизланиш	310
V. ШЎЙБА ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФА ТАРИХИДА ТАСАВВУФШУНОСЛИК МАКТАБИ АНЪАНАЛАРИ.			
63.	Турсункулова Ш. Т.	Тасаввүфий гўзалликнинг эстетик онгни шакллантириш масаласи.	315
64.	Yakubova M.	Мирзо Bedilning ontologik ta'lilot	320
65.	Baykabilova P. A.	The peculiarities of sufism and its historical foundations	325
66.	Ўразметов М.Т.	Тасаввүф ва Судаймон Боқирғонийнинг нафс тўғрисидаги фалсафий қарашлари.	329
67.	Исақова З. Р.	Ўзбекистон фалсафа тарихи ривожида нажмиддин комилов тасаввүфшунослик мактабининг ўрни ва издошлик анъаналари	333
68.	To‘xtayeva M.X.	Imom Al -Buxoriy - hadis ilmining sultonî, musulmon olamining faxr - iftixori	340
69.	Шарипова О.Т	Нақшбандияшунос олима	344
70.	Исмоилов С. Т.	Тасаввүф ва шажаралар	348
71.	Расулов О.	Азизиддин Насафийнинг тасаввүфий қарашлари	352
V. ШЎЙБА ЁШЛАР ОНГИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИСОНӢИ ҚАДРИЯТЛАР СИНТЕЗИ: ЗАМОНАВИӢ ИННОВАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК МЕТОДЛАР.			
72.	Xolbabayeva Н. Т.	Antik davr tafakkur tarzining shakllanishida savol va javob kompleksining o'rni.	354